2016 ЙИЛ 15 МАРТ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 52 (13.115)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи "Махсус фортепьяно" бўлимининг биринчи курс ўқувчиси Азиза Ботирова мураккаб асарларни ҳам теран ҳис этади ва ундаги фалсафий ғояни тингловчига етказа олади.



Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари

МУКОФОТ ЯНГИ МАРРАЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Азизанинг онаси Дилбар Тошпўлатованинг айтишича, унда уч-тўрт ёшиданоқ мусиқага меҳр уйғонган.

– Юртбошимиз раҳнамолигида навқирон авлод истеъдодини эрта аниқлаш, уни тўғри йўналтириш борасидаги ғамхўрлик қизимнинг фортепьяно ижрочилиги бўйича катта ютуқларга эришишида асосий омил бўлмоқда, – дейди Дилбар опа. – Бундай меҳр-эътибор минг-минглаб ёшларга қанот бағишлаб, улкан ижодий парвозлар сари чорламоқда.

Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар туфайли истеъдодли ёшлар сафи кенгайиб, мусиқа таълими сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилмоқда.

2015 йилда иқтидорли ёш мусиқачи ва ижрочиларимиз нуфузли халқаро танловларда 137 совринли ўринга сазовор бўлди. Уларнинг 76 таси Гран-при ва биринчи ўринлардир. Бу Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслигининг амалдаги яна бир ёрқин намунасидир.

Азиза ўзбек бастакорлари билан бирга Иоганн Бах, Людвиг ван Бетховен, Ференц Лист, Александр Скрябин каби жаҳон композиторларининг асарларини ҳам маромига етказиб ижро этади. 2011 йилда Италияда бўлиб ўтган ёш мусиқачиларнинг "Citta di Barletta" танловида у иккинчи ўринни эгаллади. Ўз устида тиним билмай изланган Азиза 2012 йилда Францияда бўлиб ўтган Николай Рубинштейн номидаги халқаро танловда биринчи ўринга лойиқ топилди. Ўша йили Хитойда ўтказилган халқаро фестивалда совриндор бўлди.

– Азизанинг тиришқоқлиги, иродаси, мақсад сари интилувчанлиги, қатъияти кўпчилик тенгқурларига ибрат бўлишга арзийди, – дейди академик лицей директори Дилдора Жамолова. – У 2013 йилда Италиянинг Перуджа шаҳрида ўтказилган "Pianofortissimo" халқаро танловида энг яхши ижрочи ҳамда классик мусиқани теран ҳис этувчи иштирокчи сифатида бир йўла икки номинацияда Гран-прига лойиқ топилди. 2014 йил шу мамлакатда ўтказилган "Premio Spesiale Paolo Serrao" халқаро танловида иккинчи, 2015 йилда Хитойда ўтган халқаро болалар ижодиёти фестивалида биринчи ўринни қўлга киритди.

Президентимизнинг 2016 йил 1 мартдаги қарорига мувофиқ, Азиза Ботирова Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

– Давлатимиз раҳбарининг қарорига кўра Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганим менга катта қувонч бағишлади, – дейди ЎзА мухбирига А.Ботирова. – Санъатсевар халқимиз олдида мусиқа ижро этишдан юксакроқ шараф йўқ. Келажакда етук мусиқачи бўлишни орзу қиламан. Билдирилган шундай катта ишончга муносиб бўлишга, уни оқлашга астойдил интиламан. Зеро, бундай юксак мукофот янги ижодий марраларга чорлайди.

Назокат УСМОНОВА

НАВРЎЗ – ТИНЧЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК, САХОВАТ ВА МЕҲР-МУРУВВАТ АЙЁМИ

Наврўз — 2016

СУНЬ ЛИЦЗЕ:

Йилнинг энг ажиб ва гўзал фасли баҳор кириб келди. Баҳорда табиат уйғониб, бутун борлиқ жонланади. Халқимизнинг қадимий байрами Наврўз яқинлашмоқда. У барчамизга қувонч, янги орзу-умидлар улашади. Мамлакатимизда Наврўз умумхалқ байрамини юксак даражада нишонлаш мақсадида кенг кўламли тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Наврўз арафасида **Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси СУНЬ Лицзе** ЎзА мухбирига ушбу байрамимиз ҳақидаги таассуротларини сўзлаб берди:

– Наврўз – табиатнинг янгиланиши ва ўзгариши, қадимий ва энг севимли умумхалқ байрамларидандир. У азалдан тинчлик, бағрикенглик, яхшилик, саховат ва меҳр-мурувват рамзи бўлиб келган. Гўзаллик ҳамда нафосат тимсоли бўлган ушбу байрамни барча орзиқиб кутади.

Мазкур айёмни яна Ўзбекистон халқи билан бирга нишонлаётганимдан ғоят хурсандман. Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, барча миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ҳамда аҳиллик Наврўзнинг қувончли кунларида янада яққолроқ намоён бўлади. Беморлар, ёлғиз инсонлар ва боқувчисини йўқотганлар, эҳтиёжманд одамларга кўмак берилмоқда, кексаларга алоҳида меҳр-эътибор кўрсатилаётир.

Мен Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудида бўлганман ва шуни айтишим мумкинки, ҳар бир шаҳар гўзаллиги ҳамда ўзига хослиги билан катта таассурот уйғотади. Ўзбекистонликлар ягона оила бўлиб ушбу ажойиб байрамни халқ сайллари шаклида кўтаринки руҳда, шоду хуррамлик билан нишонлаши кишига қувонч бағишлайди. Файзли дастурхонлар анъанавий ва инсонга қувват бағишлайдиган сумалак, ҳалим, кўк сомса каби баҳорий таомлар билан безатилиб, унинг атрофида яқин қариндошлар, дўсту ёрлар, кўни-қўшнилар тўпланади.

Ўзбекистонда ҳар йили Наврўз арафасида шаҳар ва қишлоқларда кўп сонли янги иншоотларнинг фойдаланишга топширилиши юксак эътирофга лойиқ. Ушбу хайрли ишлар замирида Ўзбекистон тараққиёти, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш каби олижаноб мақсадлар мужассам.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз байрами катта тантана билан нишонланиши гўзал анъанадир. Санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг Ватан, мустақиллик, Наврўз, баҳор, меҳр-муҳаббатни мадҳ этувчи чиқишлари, жаҳон классик куй-қўшиқлари барчага завқ-шавқ улашади. Халқ урф-одатларини акс эттирадиган лапарлар, жозибадор рақслар, театрлаштирилган томошалар, миллий спорт ўйинлари байрамга янада кўтаринкилик бағишлайди.

(Давоми 3-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухоро давлат университетида юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференцияда юқори малакали кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш йўллари, замонавий таълим технологияларининг таълим сифатини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти, битирувчиларни иш билан таъминлашда касб тайёргарлигини такомиллаштириш каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.

● Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси бўлиб ўтди. Танловга 40 дан зиёд инновацион ғоялар, лойиҳа ва ишланмалар тақдим этилган бўлиб, улар орасида энергетика ресурслари тежамкорлиги, муқобил энергия манбаларини яратиш ва ривожлантириш, ахборот-коммуникация технологиялари, қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, кимё-технология, озиқ-овқат саноати, тиббиёт ва машинасозлик соҳалари бўйича лойиҳалар бор.

● Самарқанд вилояти фермерлари жорий йилда 88 минг 700 гектар майдонда ғўза парваришлашни режалаштирган. Айни пайтда вилоятда мавсумга пухта ҳозирлик кўрилган ҳолда чигит экишга киришилди. Бу йил вилоятда ғўзанинг "Омад", "Бухоро-102", "Султон", "Порлоқ-1", "Наманган-77" сингари эртапишар, серҳосил ва истиқболли навлари экилмоқда.

● Жорий йил 23 апрель куни Тошкентдаги "Lotte City Hotel Tashkent Palace" меҳмонхонасида имконияти чекланган болаларнинг устозлари ва тарбиячилари ёрдамида тайёрлаган ижодий ишлари 15-хайрия кўргазмаси бўлиб ўтади. Мазкур кўргазмада имконияти чекланган болаларнинг манфаатларига йўналтирилган комплекс дастурларни амалга ошираётган 20 та ташкилотлар: Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб ва интернатлар ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этади.

ЖАҲОНДА

● Боливияда енгил моторли самолётнинг ҳалокатга учраб, бозор ҳудудига қулаб тушиши натижасида 7 киши ҳалок бўлди, 15 нафар одам турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

● Японияда аёл кишида Зика безгаги вируси мавжудлиги аниқланди. Бу Кунчиқар мамлакатда Зика билан хасталанган иккинчи кишидир.

● Жаҳондаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар ишлаб чиқарувчи йирик компаниялардан бири ҳисобланмиш Швейцариянинг Nestle корхонаси таркибида шишанинг мавжуд бўлиши эҳтимоли борлиги туфайли бир қатор маҳсулотларини савдо нуқталаридан қайтариб олишни бошлади.

ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Сифат" пахта толасини сертификатлаш маркази томонидан пахта толасини синаш ва сертификатлаш тизимини янада ривожлантиришга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

– Мамлакатимизда пахта толасини сертификатлаш ва синовдан ўтказишда энг замонавий ускуна – HVI тизимларидан фойдаланилмоқда, – дейди "Сифат" пахта толасини сертификатлаш маркази бош директорининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Бойхонов. – Кунига мингтагача намуна олиш имконини берадиган ушбу тизим толанинг узунлиги, пишиқлиги, ранги, сифати, микронейри, калта тола миқдори каби кўрсаткичларни аниқлайди. Синов якунида тола тўдаларига мувофиқлик сертификатлари расмийлаштирилиб, ишлаб чиқарувчи корхонага тақдим қилинади.

Юртимизда HVI тизимларида пахтанинг сифатини аниқлаш усули қўлланилаётгани бежиз эмас. Зеро, у селекционер олимларга саноатчилар талабига мос навларни етиштиришга ёрдам бериб, пахта сифатини яхшилаш ва рақобатбардошлигини оширишда қўл келади. Шу боис "Сифат" пахта толасини сертификатлаш марказини 2013-2017 йиллар давомида босқичма-босқич модернизация қилиш ҳамда техник ва технологик қайта жиҳозлаш кўзда тутилган. Унга кўра, 35 ярим автоматли Uster HVI 900 SA тизими ўрнига техник таснифлари такомиллаштирилган, унумдорлиги юқори бўлган 18 автоматлаштирилган Uster HVI 1000 M тизими ўрнатилиши режалаштирилган. Ҳозир ушбу замонавий тизимлар Сирдарё ҳудудий лабораториясида синовдан ўтмоқда.


"Сифат" марказида пахта классификаторлари тайёрлаш курслари фаолият юритмоқда.

Матбуот анжуманида "Сифат" маркази нафақат пахта толаси, балки пахта момиғи, оқартирилган гигроскопик момиқ, кийим-кечак ва мебелбоп момиқ, техник чигит, ўсимлик ёғлари, шрот, хўжалик совуни каби маҳсулотларни меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида синовдан ўтказиш бўйича аккредитациядан ўтгани таъкидланди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Сайёра ШОЕВА
ЎзА мухбири

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги

ЖАННАТ БОҒЛАРИДА КЕЗГАНДАЙ БЎЛАСИЗ





Айни саратоннинг жазирама кунларидан бирида фавворанинг ҳузурбахш эпкинидан роҳатланиб ўтирган эдим. Бир хорижлик сайёҳ қўлидаги харитадан манзилни кўрсатиб, қандай яёв бориш мумкинлигини сўради. "Тошкентда дарахтлар жуда кўп экан. Тоза, озода ва баҳаво шаҳар менга жуда манзур бўлди. Шунинг учун яёв юриб, турфа дарахт ва анвойи гуллар ифоридан баҳра олмоқчиман", деди.

Тошкент азалдан мўътадил иқлими, тоза ҳавоси ва қулай географик жойлашуви билан ажралиб турган. Амир Темур бошқа шаҳарлар қатори Тошкентни ҳам ободонлаштириш, боғлар барпо этишга алоҳида эътибор қаратган.

Президентимиз Ислом Каримов Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида "Тошкентнинг майин ҳавоси, гўзал табиати, қут-барака ёғиладиган фусункор боғлари, зилол ва шифобахш сувлари ҳақида қандай гўзал таърифлар битилмаган. Хусусан, XVI асрда яшаб ўтган тарихчи аллома Зайниддин Восифий Тошкентни улуғлаб, бу диёрни бир бор кўрган одам бамисоли жаннат боғларини кезгандек бўлади, деб ёзганида айни ҳақиқатни ифода этган эди", деб таъкидлади.

Президентимиз раҳнамолигида шаҳар ва қишлоқларимизни обод қилиш, атроф-муҳит мусаффолиги ва экологик барқарорликни таъминлаш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Соҳада яратилган мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий база ободонлаштириш ва табиатни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларида муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Шаҳарлар экотизимини яхшилаш ва яшил ҳудудларни янада кенгайтириш бўйича улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Буни Тошкент мисолида олиб қарасак, мустақиллик йилларида пойтахтимиз қиёфаси бутунлай ўзгарганига амин бўламиз. Шаҳарнинг бундан 20-30 йил аввалги қиёфаси билан бугунгиси тубдан фарқ қилади. Йўл четлари, майдонлар ва истироҳат боғларидаги анвойи гуллар, ландшафт дизайни асосида яратилган майсазорлар, зарарли газ ва чангларни ютиб, ҳавони кислород билан тўйинтирадиган дарахтлар азим шаҳар чиройига чирой қўшиш баробарида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда ҳар йили баҳор фаслида, табиатнинг уйғониши ва янгиланиш палласида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ўтказиш эзгу анъанага айланган. Жорий йилда ҳам Президентимизнинг 19 февралдаги "2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори асосида Наврўзи оламни муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 4 мартдаги фармойишига мувофиқ март-апрель ойлари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги, деб эълон қилинди. Шу муносабат билан Тошкент шаҳрида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ойлик доирасида 12-13 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди. Халқимизга хос эзгу қадрият бўлган умумхалқ ҳашари пойтахтимиз қиёфасига кўрк қўшиш билан бирга, унинг экологик ҳолатини янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 3-бетда)



Транспорт

ЙЎЛОВЧИЛАРГА СИФАТЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛМОҚДА

Шаҳримиздаги барча автосаройларнинг ўз фаолиятига масъулият билан ёндошиб, ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларининг узоғини яқин қилиш борасида бор куч-имкониятларини ишга солишлари боис жамоат транспорти қатновида узилишлар бўлмаяпти, йўловчилар ўз манзилларига бехатар етиб олишмоқда.

"2-автобус саройи" масъулияти чекланган жамияти шаҳримиздаги энг йирик автокорхоналардан бири ҳисобланади. Ушбу автосаройнинг ҳар бир бўлинмаси, ҳар бир хизмати ўз кундалик фаолиятини йўналишлар бўйича ҳаракат жадвалига риоя қилиш, хизматга чиқаётган автобусларнинг техник жиҳатдан созлашга қараб амалга оширади.

— 19 та йўналиш бўйича ҳар куни 171 та автобус линияга чиқарилади, — дейди "2-автобус саройи" МЧЖ директори Анвар Жўраев. — 1, 16, 24, 60, 72-йўналишлар бўйича қатновларга талаб катта бўлиб, улар йўловчиларни манзилларига етказиш бўйича режаларини ортиғи билан бажарадилар. Бинобарин, мазкур йўналишларда энг яхши бригадалар фаолият кўрсатади. Бу борада илғор ҳайдовчилар Бахтиёр Қоратоев ва Исроил Тўйчиевлар ёшларга намуна ҳисобланади.

Ўтган йили автосарой томонидан йўловчиларни ташиш 2014 йилга солиштирганда 6 миллиард 268,8 миллион сўмдан кўпроқ суммага амалга оширилган, корхонанинг умумий даромадлари белгиланган режадан кўра 17,5 фоиз кўпроқ бажарилган ва 33 миллиард 500,9 миллион сўмга етган, жами 38 409,5 мингдан ортиқ йўловчиларга хизмат кўрсатилган.

Ёнилғи-мойлаш материалларидан тежамкорлик билан фойдаланиш бўйича чора-тадбирларнинг ҳам ўринли адо этилганлиги боис 26,1 фоиз ёнилғи тежаб қолинган. "2-автосарой" жамоаси томонидан ёшларни ишга жалб этиш ва касб сирларини ўргатиш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2015 йилда корхонанинг ўз ўқув базасида 25 нафар ёшларга ҳайдовчилик кўникмалари ўргатилди ва йил давомида 20 та қўшимча иш ўрни яратилди.

Даврон ИСМАТОВ

Реклама ўрнида

TURON BANK

"Туронбанк" Акциядорлик тижорат банки Ўзбекистоннинг биринчи тижорат банки сифатида ўз фаолиятини молия бозорида бошлаган. Ўтган давр мобайнида соҳага оид кўп ислоҳотларни амалга ошириб, аҳолининг, молия тизимининг ишончли таянчига айланди. Мустақилликнинг илк даврларида иш бошлаган тижорат муассасаси йилдан йилга ривожланаётган молиявий муассаса бўлиб, банкнинг барқарорлиги халқаро молиявий институтлар томонидан бир неча маротаба эътироф этилиб келинмоқда.

Ҳозирги кунга келиб "Туронбанк"нинг Ўзбекистон бўйлаб 17 та филиал, 27 та мини банк ҳамда 140 дан зиёд бўлинмалари намунали банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

"Туронбанк" Республикамизда биринчилардан бўлиб "Золотая Корона", "CONTAKCT", "Western Union" ва "Money Gram" халқаро пул ўтказмалари тизимини татбиқ этган.

"Туронбанк" фаолияти халқаро рейтинг агентликлари томонидан баҳоланиб барқарор рейтинги берилган. Бу эса ўз навбатида банкнинг халқаро доирада алоҳида ўрни борлиги, унинг доимий такомиллашаётганлиги, мавқеининг тобора ошиб бораётганидан далолат беради.

"Туронбанк" томонидан мижозларга янада қулай ва юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш мақсадида янги ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилган. Бунинг натижасида банк томонидан ўз ресурсларини даромад келтирувчи соҳаларга йўналтириш, иқтисодиётнинг реал секторларини молиялаштириш, мижозлар базасини кўпайтириш ва диверсификациялаштириш, рақобат муҳитини шакллантириш ва банк хизматлари сифатини янада яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Банк иқтисодиётнинг кўплаб соҳаларида, кичик бизнесни ривожлантириш, бундан ташқари чакана хизматлар, ишлаб чиқариш, реконструкция ва модернизация соҳаларини кенгайтириш учун қурилиш ва техника сотиб олиш ишларига ҳам кредит хизматларининг кенг спектрини тақдим этиб келмоқда, шунингдек, халқаро молиявий тузилмалар билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳаларида турли инвестиция лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқарувчи корхоналарга узоқ муддатли кредитлар ва лизинглар ажратилмоқда, бу ўз навбатида минглаб янги иш ўринлари яратилаётгани, саноат тармоқларида рақобат даражаси кўтарилаётгани ва пировардида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятига ижобий таъсир кўрсатаётганлигидан далолат беради.

Келинг, мижозларнинг "Туронбанк" амалга ошираётган иқтисодий ислоҳотларнинг нечоғлик самара бераётгани ҳақидаги фикрлари билан танишайлик.

* * *

Жасур Турдиев,
Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги "Temir Tom Servis" оилавий корхонаси раҳбари

— Аввало, барча юртдошларимизни 2016 йил "Соғлом она ва бола йили" билан чин юракдан табриклайман. Бизнинг юртимизга байрамлар ярашади. Мамлакатимизда тинчлик осойишталик ҳукм сураётгани учун жамиятимиз равнақ топаяпти, одамларимиз аҳил яшаяпти. Ҳар йили қанчадан-қанча ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилмоқда. Минглаб хусусий, оилавий корхоналар вужудга келмоқда. Таъкидлаш жоизки, тадбиркорликни ҳар томонлама ривожланишида тижорат банкларининг ўрни катта бўлаётир.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган Қонуни асосида 2014 йилда корхонамизни ташкил қилганмиз. Асосий фаолиятимиз аҳолининг қурилиш материалларига бўлган талабини қондириш учун профнастил, темир листлар ишлаб чиқариш бўлиб, бугунги кунда ушбу маҳсулотларга талаб юқори. Бу эҳтиёжни қондириш учун иш фаолиятимизни ривожлантириш керак эди. Шу боис "Туронбанк"нинг Чилонзор филиалига бизга керакли асбоб-ускуналарини сотиб олишга 100 млн. сўм миқдорида кредит олишни сўраб мурожаат этдик. Банк ходимлари аризамизни ижобий ҳал этиб, қисқа муддат ичида керакли маблағни ажратиб беришди. Ишлаб чиқариш ускуналари олингандан кейин оилавий корхонамиз ишлари жадаллашиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортди, шунинг баробарида 3 та янги иш ўрни яратдик.

* * *

Дилмурод Султонов,
"O`tkir-Sulton Fayzli Bog`i" фермер хўжалиги раҳбари

— Президентимизнинг "фермернинг орқасида мен турибман" деган сўзлари барча фермерлар қатори менда ҳам хўжалигимни янада ривожлантиришга катта ишонч уйғотди, ғайрат-шижоат бағишлади. Яхши ниятлар билан аҳолига сифатли гўшт ва сут маҳсулотларини етказиб бериш учун наслли мол сотиб олдик.

Фермер хўжалигимиз 2012 йилда ташкил этилган. Фаолиятимизни янада ривожлантириш учун "Туронбанк" Чилонзор филиалига 16 дона йирик шохли қорамол ҳамда озуқа олиш мақсадида 130 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратиш бўйича мурожаат қилдик. Банк ходимлари қисқа муддат ичида бизга имтиёзли микрокредит ажратиб берди. Бугунги кунда фермер хўжалигимизда янада кўпроқ гўшт ва сут ишлаб чиқаришга эришаяпмиз. Яқинда битта коллеж битирувчисини ишга олдик.

Бизга сидқидилдан хизмат қилаётган "Туронбанк"нинг Чилонзор филиали ходимларидан мамнунмиз.

* * *

Абубакр Ғафуров,
"Биродар" шўъба корхонаси раҳбари

— Республикамизнинг инвестиция сиёсатининг асосий мақсади давлат иқтисодиётини кўтариш ва тармоқни янги технологиялар билан жиҳозлашдан иборат. Иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилиш, ишбилармонлик муҳитини шакллантириш даражасини ҳар чоракда баҳолаш тизими жорий этилган.

Натижада ўтган йиллар билан таққослаганда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши кўпайган. Мазкур соҳада меҳнат билан банд бўлганлар сони ортди ва иқтисодиёт тармоқларида меҳнат билан банд бўлганларнинг асосини ушбу соҳа вакиллари ташкил этади.

Инвестицияларнинг ўсиш суръатлари унинг таркибий қисмлари бўйича кўриб чиқилса, энг юқори кўрсаткич тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобига тўғри келади.

"Биродар" ШК Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатга олинган.

Корхонамиз бугунги кунда қурилиш учун зарур бўлган ғишт ва плита ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида "Туронбанк"нинг Самарқанд филиалидан 150 млн. сўм миқдорида кредит олдик. Банк томонидан қисқа муддатда кредит ҳужжатлари расмийлаштирилиб берилди. Банк кредити ҳисобидан ишлаб чиқариш қуввати ошди, корхонада ишлайдиган ишчи хизматчилар сони кўпайди. Бетон цехида бир неча турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

* * *

Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида фаолият кўрсатиб келаётган якка тартибдаги тадбиркор Ҳомидова Маҳбуба Ҳусниддин қизи ўтган йили Китоб иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб ҳунар коллежини битириш арафасида ўз бизнесини бошлашини мақсад қилиб қўйди. Дастлаб, у Китоб тумани ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясидан озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини чакана сотиш фаолияти билан шуғулланиш учун давлат рўйхатидан ўтди. Китоб шаҳрида жойлашган мўжазгина савдо дўконига озиқ-овқат маҳсулотларини шартнома асосида олиб келиб сота бошлади.Тадбиркор фаолиятини ривожлантириш мақсадида "Туронбанк"нинг Шаҳрисабз филиалидан 15 млн. сўм кредит олиш учун ўз бизнес лойиҳасини тузиб, банкка тақдим этди.

Ҳозирги кунда якка тартибдаги тадбиркор М.Ҳомидова банкдан 15 млн. сўм кредит маблағи олиб, ушбу маблағдан самарали фойдаланиб келмоқда.

Исломжон Шарифбоев,
якка тартибдаги тадбиркор

— Президентимизнинг ёшларга яратиб бераётган имкониятларидан фойдаланган ҳолда мен ҳам тадбиркорлик қилишга аҳд қилдим.

2015 йили Наманган юридик коллежини аъло баҳолар билан тамомладим. Коллежда олган билим ва кўникмаларимдан фойдаланган ҳолда Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясидан гувоҳнома олдим. Ҳозирда Наманган шаҳар, 1-Олмазор кўчасида жойлашган дўконда чакана савдо билан шуғулланаяпман. Устозларимнинг ва банк ходимларининг маслаҳатлари билан айланма маблағимни тўлдириш ва янада ривожлантириш мақсадида банкдан кредит олишга қарор қилдим. "Туронбанк"нинг Наманган филиалидан 30 млн. сўм кредит олиш учун ҳужжатларни топширдим, банк ходимлари қисқа фурсатда менга кредит расмийлаштириб беришди. Ҳозирда ажратилган кредит маблағи ҳисобига ўз фаолиятимни ривожлантираяпман.

* * *

Нилуфар Мухтарова,
якка тартибдаги тадбиркор

— Мен 2014 йил март ойида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, ўз фаолиятимни бошлаганман, айни пайтда савдо фаолияти билан шуғулланаман.

2015 йил ноябрь ойида айланма маблағимни тўлдириш мақсадида "Туронбанк"нинг Бухоро филиалидан 20 млн. сўм миқдорида кредит маблағи ажратишни сўраб мурожаат қилдим. Банк филиали ходимлари қисқа муддатда мурожаатимни кўриб чиқиб, бир йил муддатга, 3 ой имтиёзли давр билан кредит ажратди. Бунинг натижасида аҳолига савдо хизмати кўрсатиш самарадорлиги ошди. Мен "Туронбанк"нинг Бухоро филиали хизматидан мамнунман.

* * *

Асқар Назиров,
"Texmash Tashkent" МЧЖ раҳбари

— Бугунги тараққиётимизни тижорат банклари хизматисиз тасаввур этиб бўлмайди, асосий фаолият туримиз полиэтилентерефталта преформаларини ишлаб чиқариш бўлиб, жамиятимиз ўз фаолиятини барқарор кенгайтириш мақсадида банк кредитларидан фойдаланган ҳолда музлаткич ускуналарини сотиб олишни режалаштирган эдик.

Яқинда бу мақсадга эришдик. "Туронбанк" марказий амалиёт бошқармасидан 215,5 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ олиб, музлаткич ускуналарини сотиб олдик, уларни ўзлаштиргач, ушбу соҳада фаолиятни бошлаб юборамиз. Шу боис бизга ўз кўмагини аямаётган "Туронбанк"нинг аҳил жамоасига ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

* * *

Шавкат Равшанов,
"TITAN RENESANS" МЧЖ раҳбари

— Корхонамиз 2015 йилда ташкил этилди, мақсадимиз Шаҳрисабз шаҳридан 15 км. узоқликдаги тоғли Чоршанбе қўрғонида диагностика маркази ташкил этиб, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган. "Туронбанк"нинг Шаҳрисабз филиалидан 120 млн. сўм кредитга замонавий тиббиёт ускуналари сотиб олиш учун ҳужжатларни расмийлаштирмоқдамиз.

Диагностика маркази февраль ойида тўлиқ ишга тушди. 2016 йил "Соғлом она ва бола йили"да бу тоғли ҳудудда яшовчи аҳолига яна бир қулайлик бўлиши шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, "Туронбанк" жамоаси мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, молия-банк соҳасида барча турдаги хизматларни кўрсатиш орқали ўз фаолиятини ривожлантириб бораётган банклардан бири сифатида ўз ўрнини мустаҳкамламоқда.

З.ШАРИФЖОНОВ

КИЧИК БИЗНЕС ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



Ислом Исмоилов олган сурат

Яшнобод тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

ЯШНОБОД ТУМАНИДА 2016 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида"ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сон буйруғи билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2016 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан буён матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник кўрикдан ўтказиш мақсадида ҳамда "DAVTEXNAZORAT" инспекциясининг 2015 йил 15 декабрдаги 292-сонли мурожаатига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Яшнобод туманида 2016 йилда мулкчилик шаклидан қатъий назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори М.Каримқуловага:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан буён матнда мулкдор деб юритилади) техникаларини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўрик ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юборишни таъминлаш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситалари, машина асбоб-ускуналарни йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия таркибини юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситаларини йиллик техник кўрикдан ўтказиш майдончаларига йиғиш;

техник кўрикдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш;

техник кўрикдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма берилиши ва қайта техник кўрикдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилаш;

техникани қайта кўрикдан ўтказиш учун мулкдордан йиғим ундирилмаслик;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўрикдан ўтказмаган ҳолда туман ҳокимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин.

3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техника ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техника доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўровномасига асосан техник кўрикдан ўтказилиши белгилансин.

4. Мулкдорларга:

билдиришномани олгандан сўнг техник кўрик ўтказилишидан камида беш кун олдин техник кўрикдан ўтказиладиган техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин;

техник кўрикдан ўтказиш учун белгиланган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.

5. "DAVTEXNAZORAT" инспекцияси (С.Хаитов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (Х.Хакимов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Компьютерлаштириш маркази" ДУКнинг Яшнобод туман тармоқ администратори (У.Тошбоев):

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.yashnobod.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарор матбуотда расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Валиев зиммасига юклансин.

Яшнобод тумани ҳокими
Ф.Хакимов

2016 йил 19 февраль

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

ЎЛКАМИЗДА НАВРЎЗ НАФАСИ



ЖАННАТ БОҒЛАРИДА КЕЗГАНДАЙ БЎЛАСИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Яшил ҳудудлар эстетик ва соғломлаштириш вазифаларини бажаради. Улар шаҳар микроиқлимини яхшилаб, ҳавонинг чангланиши ва зарарли газлар билан ифлосланиш даражаси ҳамда шовқинни камайтиради. Инсоннинг асаб тизимига ижобий таъсир кўрсатиб, қатор касалликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти меъёрларига кўра, шаҳарлар ҳудудининг камида 15-20 фоизини кўкаламзорлар ташкил қилиши зарур. Пойтахтимизнинг умумий майдони 35 минг гектардан иборат бўлиб, унинг 15 минг 510 гектари яшил майдонлар экани эътиборга лойиқ. Тошкентнинг яшил ҳудудлари хусусида сўз юритилганда, мустақилликдан олдинги ва бугунги ҳолатни таққослаш ўринлидир. 1991 йилда киши бошига 21 квадрат метр яшил майдон тўғри келган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич 70 квадрат метрга етди. Бу Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва яратувчилик ишларининг амалий ифодасидир.

– Бугунги кунда пойтахтимизда дарахт ва буталарнинг 200 дан ортиқ тури мавжуд, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси кўкаламзорлаштириш ва ирригация бўлими бошлиғи Ботир Ортиқхўжаев. – Кўчалар, майдонлар, истироҳат боғларига кўрк бағишлаб турган каштан, япон софораси, лола дарахти, эман, катальпа, канада багрянниги каби ноёб дарахтлар шулар жумласидан. Яшил ҳудудларни барпо этишда танланган жойнинг ўзига хослиги инобатга олинади. Шу жиҳатларга қараб қаерда, қандай дарахт, бута ва гул экилиши белгиланади. Масалан, марказий ва серқатнов кўчаларга чанг ва транспорт воситаларидан чиқадиган газни ютадиган, баланд ўсувчи ва сершох, япроқлари йирик дарахтлар экиш маъқул. Турар жойлар, истироҳат боғлари, дам олиш ҳудудларида ҳавони кислород билан бойитадиган ва сersоя дарахтлар экилади. Кўкаламзорлаштириш жараёнида суғориш тизимлари муҳим ўрин тутади. Айни пайтда шаҳримизда 1500 километрдан ортиқ сунъий суғориш тизими мавжуд.

Шаҳар экологияси мусаффолигини таъминлашда қишин-ёзин яшиллигини йўқотмайдиган игнабаргли дарахтларнинг ўрни беқиёс. Бундай дарахтлар инсон саломатлиги учун ҳам кони фойда. Бинобарин, арча ва қарағайларнинг бир неча турини экишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Маълумотларга кўра, игнабаргли дарахт ва буталар бошқа турдаги дарахтларга нисбатан қарийб 2 баробар кўп миқдорда фитонцидлар (бактерияларни йўқ қиладиган моддалар) ажратар экан. Бундан ташқари, озон қатламини шакллантиришга хизмат қиладиган органик бирикмаларни кўп миқдорда ҳавога чиқаради.

Гул нафислик ва гўзаллик рамзи, ободлик ва фаровонлик белгисидир. Гуллар наинки инсонга хуш кайфият улашади, балки шаҳар қиёфасига ҳам ўзгача тароват бағишлайди. Баҳор ва ёзда лола, настарин, гиацинт, рудбекия, георгин каби анвойи гуллар майдону хиёбонлар, кенг ва равон кўчалар, боғларга ўзгача кўрк беради. Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси томонидан ҳар йили йўл четлари, хиёбонлар, истироҳат боғларига 3 миллионга яқин мавсумий гуллар экилади.

Йирик мегаполисларда кўкаламзорлаштириш ва яшил майдонларни кенгайтириш долзарб масала. Акс ҳолда ҳавонинг ифлосланиш даражаси ошиб, ҳатто нафас олиш ҳам қийин бўлиб қолади. Масалан, Филиппин пойтахти Манила шаҳри саноат чиқиндилари ва транспорт воситалари газлари оқибатида ҳавонинг ифлосланишидан азият чекади. Очиқ чиқиндихоналар ҳам мегаполис атроф-муҳитига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шаҳар четидаги бир неча дарёлар биологик яроқсиз ҳолга келиб қолган. Шаҳар инфратузилмасининг ривожланмагани атроф-муҳит ифлосланишига олиб келмоқда.

Сайёрамизда экологик муаммолар гирдобида қолган мегаполислар кўп. Ушбу муаммони ҳал қилишда атмосферани кислород билан тўйинтиришда муҳим ўрин тутувчи яшил ҳудудларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, экологик мувозанатни таъминлаш масаласи доимий эътиборда. Бунинг самарасида юртимиз тобора обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Бинобарин, табиий мусаффолик инсоннинг саломатлигини мустаҳкамлаб, умрига умр қўшади, уни эзгу ва хайрли ишларга ундайди.

Умид АЛИМОВ







СУНЬ ЛИЦЗЕ:

НАВРЎЗ – ТИНЧЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК, САХОВАТ ВА МЕҲР-МУРУВВАТ АЙЁМИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбек халқининг бой ва серқирра маданияти, анъана ҳамда урф-одатлари бутун дунёга машҳурлигини алоҳида қайд этмоқчиман. Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида кўп асрлик маънавий анъаналарни тиклаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, шунингдек, ёшларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовордир.

Халқларимиз ўртасида ўхшаш жиҳатлар кўп. Ўзбек халқининг эзгулик ва меҳр-мурувват, бағрикенглик, меҳмондўстлик каби фазилатлари, ўз тарихи ҳамда бугунги кунидан фахрланиш туйғуси хитойликларга ҳам хосдир. Наврўз арафасида умумхалқ ҳашарлари ташкил этилиб, ҳудудлар янада ободонлаштирилиши ўрнак олса арзигуликдир. Бундай яхши анъаналар инсонларни жипслаштириб, жамиятда тинчлик ва тотувлик, меҳр-мурувват ҳамда яратувчилик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистондаги дипломатик фаолиятим даврида турли соҳаларда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарадорлиги, халқингизнинг яратувчанлик салоҳиятига гувоҳ бўлдим. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, халқ фаровонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Минтақада тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари самарасида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи тобора юксалиб бормоқда. Зеро тотувлик, эзгулик ва ҳалол меҳнат қадрланадиган юртда доимо фаровон ҳаёт ҳукм суради.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Наврўз байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Тинчлик-осойишталик, бахт-саодат ва янада юксак тараққиёт тилайман.

Ирода УМАРОВА
ёзиб олди

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

15 март – Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни сифатида дунёнинг кўпгина мамлакатларида нишонланади. Мамлакатимизда ҳам бу сана эътибордан четда қолмайди. Чунки юртимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Юртимизда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни, Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан кафолатланган. Мазкур ҳужжатлар истеъмолчиларнинг сотувчилар ва хизмат кўрсатувчилар билан ўзаро муносабатларини қамраб олган бўлиб, уларнинг ҳуқуқларини давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг Реклама фаолиятини назорат қилиш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш бўлими томонидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда маданиятини ошириш борасида кўпгина ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу бўлим бошлиғи Қудратилла Мўминов 2015 йилда қилинган ишлар борасида қуйидагиларни сўзлаб берди.

– Ўтган йили фуқароларимиз томонидан коммунал, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, алоқа ва коммуникация хизмати ва бошқа соҳалардан жами 994 та ариза, шикоят ва мурожаатлар келиб тушган. Бўлимга келган ариза ва шикоятларга асосан 299 209,8 минг сўм миқдорда пул маблағлари фуқароларнинг фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди.

Келиб тушган ариза, шикоят ва мурожаатлардан 44 таси солиқ органларига, 6 таси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига, 2 таси соғлиқни сақлаш органларига, 1 таси табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига, 1 таси давлат архитектура қурилиш қўмитасига, 6 таси маҳаллий ҳокимиятга ва 27 таси бошқа тегишли органларга "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг 18-моддасига биноан чора кўриш учун юборилган.

Ишонч телефони орқали келиб тушган 415 та мурожаатлардан 352 таси истеъмолчилар фойдасига ҳал этилган, қолган 63 та мурожаатлар юзасидан тегишли тушунтиришлар берилган.

Шунингдек, Тошкент шаҳар электр тармоқлари ва унинг таркибига кирувчи туман электр тармоқлари корхоналарида истеъмолчиларнинг мурожаатлари борасида, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги "Йўналишсиз таксилар фаолиятининг тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабларига риоя этилиши юзасидан Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган йўналишсиз таксиларда йўловчилар ташиш бўйича ҳамда Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 19 апрелдаги "Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан, "Uzpaynet" қўшма корхона шаклидаги масъулияти чекланган жамиятининг Тошкент шаҳар ҳудудида фаолият юритаётган шохобчаларининг тўлов терминаллари билан таъминланганлиги бўйича таҳлил ва ўрганиш ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг баённомаларида белгиланган вазифалар ҳамда Давлат рақобат қўмитаси раҳбариятининг топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрида жойлашган деҳқон бозорларида аҳолига сотилаётган асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нарх-наволарини суньий равишда ошиб кетишининг олдини олиш юзасидан доимий равишда мониторинглар олиб борилиб, ўтказилган ўрганишлар натижасида тўпланган маълумотлар белгиланган муддатларда Давлат рақобат қўмитасига тақдим этиб борилди.

Ҳудудий бошқармага 2015 йил давомида фуқаролардан табиий газ истеъмоли масаласида 358 та ариза ва мурожаатлар келиб тушган бўлиб, уларга асосан 204 509 минг сўм миқдорда нореал қарздорликлар фуқароларнинг фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди.

Ҳудудий бошқарма томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги қонуни, Тошкент шаҳар ҳокимининг "Тошкент шаҳрида ташқи рекламани жойлаштириш тартиби тўғрисида"ги қарорига, "Рекламани жойлаштириш тўғрисида"ги Низом талабларига риоя этилиши, рекламанинг жойлаштирилиши юзасидан 158 та ва "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунга асосан 6 та ўрганиш ва таҳлил ишлари ўтказилиб, белгиланган тартибда ишлар қўзғатилиб, тегишлича жазо кўрилди.

Ҳудудий бошқарма мутахассислари томонидан бир қатор оммавий ахборот воситаларида реклама фаолиятини назорат қилиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг маданиятини оширишга қаратилган кўплаб мақолалар чоп этилди.

Абдуалим САЛИМОВ

Ўлкамизга баҳор фасли кириб келиши билан ҳаммаёқ ям-яшил тусга киради. Бободеҳқонлар ерга ишлов бериб, кексаю ёш боғ яратиб кўчат экишга шайланади.

КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛДИ

Абдулла Қодирий номли маданият ва истироҳат боғида шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан Наврўз байрами муносабати билан, шаҳримизни янада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида "Яшил акция" доирасида кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди.

Тадбирда кенг жамоатчилик, қўмита ходимлари ҳамда ёшларнинг фаол иштироки билан элликдан ортиқ мевали ва манзарали кўчатлар экилди.

— Ушбу акция жорий йилнинг март-апрель ойлари давомида шаҳримизнинг қолган ҳудудларида ҳам уюшқоқлик билан ўтказилиб борилиши режалаштирилган, — дейди Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Ахборот хизмати бошлиғи Азизжон Калимбетов. — Она табиатни асраш, юртимиздаги дов-дарахтларнинг янада кўпайишини таъминлаш, уларга шикаст етказмаслик, ноқонуний кесилишининг олдини олиш, энг асосийси эса жаннатмакон юртимизнинг янада гуллаб-яшнашига, кўкаламзорлаштиришга ўз ҳиссамизни қўшиш ҳар биримизнинг асосий вазифамиздир.

Дарҳақиқат, бундай эзгулик йўлида қилинаётган ишлар ўсиб келаётган ёш авлодни табиатни севишга, унинг неъматларини ардоқлашга, асраб-авайлашга чорлаш баробарида, гўзал манзараларини аслича қолдиришини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшишга чорлайди.

"Яшил акция" тадбири доирасида нафақат кўкаламзорлаштириш тадбирларини мамлакатимиз миқёсида кенг кўламда олиб борилаётганлиги ва шаҳримиздаги мавжуд истироҳат боғларидаги ноёб дарахтларнинг турлари ва чет мамлакатлардан келтирилиши юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам атрофлича маълумот берилди.

Зафар НАЗАРОВ

БАҲОР ТАОМЛАРИ

Баҳор келиши билан кунлар исий бошлаб, шамол тезлиги ғоят ўзгарувчан бўлади, баъзан бир кеча-кундузда йилнинг тўрт фаслини кўришимиз мумкин, об-ҳавонинг бундай ўзгариши табиат ва соғлом кишиларга ижобий таъсир қилади. Лекин об-ҳавонинг тез ва кескин ўзгариши инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Қиш фаслидан баҳор фаслига ўтиш даврида инсон организмида ҳар хил ўзгаришлар содир бўлиб, витамин, минерал моддалар, микро ва макро элементларга эҳтиёж оша боради. Шунда у бизларга оналарга хос сахийлик билан ноз-неъматларини ҳадя этади. Шунинг учун биз баҳорий таомларни истеъмол қилишимиз жуда катта аҳамиятга эгадир. Қуйида сиз азизларга баҳорий таомларни тақдим этамиз.

СУМАЛАК

Сумалак – баҳорнинг дармондорига бой, ҳаётбахш, табаррук таомидир. У қонимизни тозалаб, жисмимизни тетиклаштиради, саломатлигимизни тиклайди, куч-қувватимизни оширади. Сумалак ўта тўйимли ва мазали бўлгани учунгина эмас, шифобахш фазилатларга бойлигидан ҳам унга эҳтиёж каттадир. 1936 йилда немис олимлари Эмерсон ва Эванс ўтказган тадқиқотлар буғдойда "токоферол" деб аталувчи модда мавжудлиги, у женьшень таркибида учрайдиган Е витаминининг ўзгинаси эканлигини аниқлашган. Олимларнинг таъкидлашича, сумалак гипертония, сурункали гепатит касалликларига яхши даво бўлиб, қон таркибини яхшилайди, ошқозон-ичак фаолиятини нормаллаштириб, асабни тинчлантиради.

ГЎЖА ОШИ

Гўжа оши жуда тўйимли, инсонга қувват бағишлашда женьшень ва сумалакдан кейин туради ҳамда уни тайёрлаш учун ота-боболаримиз, момо-оналаримиз ҳафталаб тайёргарлик кўришади. Туршак, нўхат, ловия, қўй ва мол гўшти, буғдой, арпа, жўхори, мошдан тайёрланган ушбу таом халққа баробар тарқатилади. Момоларимиз: "Омонлик, сомонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик", дея таом ейишни бошлаб берадилар. Ҳақиқатан ҳам гўжа ошини еган одам йил бўйи бардам юради. Демак, юқоридаги фикрларимизга хулоса қиладиган бўлсак, баҳорнинг шифобахш неъматлари инсон саломатлиги учун ниҳоятда зарурдир. Биз организм талаб этадиган витамин ва моддаларни ўз вақтида истеъмол қилсаккина ҳар қандай касалликнинг олдини олган бўламиз.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ДУК "СУВСОЗ" "ТОШКЕНТ СУВ ТАЪМИНОТИ" ШК

Электроэнергия нархининг ошганлигини инобатга олиб, 2016 йил 1 апрелдан тижорат ва саноат корхоналари учун тарифларнинг қайта киритилишини хабар қилади:

Сув таъминоти бўйича — 1 м³ учун 370 сўм, ҚҚСсиз.

оқава сув бўйича — 1м³ учун 202 сўм, ҚҚСсиз.

Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги 5-сонли академик лицей соғлом овқатланиш шарт-шароитларини яхшилаш мақсадида ўз ошхонаси буфетини ижарага бериш учун тендер танловини эълон қилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Аэроплан кўчаси, 49-уй, тел: 244-62-42, 244-62-55

Ёшлар — келажагимиз





Авлё Абдуллаев олган суратлар

Яккасарой туманидаги 18-болалар мусиқа ва санъат мактабида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун Президентимизнинг 2015 йил 20 ноябрдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори асосида тизимда амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРНИ САНЪАТГА ОШНО ЭТИБ

Анжуманда сўзга чиққан Халқ таълими вазири У.Иноятов Ўзбекистонда мусиқа ва санъат таълимининг тубдан ислоҳ қилиниши, амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги устувор вазифалар бўйича батафсил маълумот бериб, мамлакатимизда миллий мусиқа санъатимизни янада равнақ топтириш, санъатсевар болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидорини юзага чиқариши учун муносиб шарт-шароит яратилаётганини таъкидлаб ўтди.

Баркамол авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини янада юксалтиришга хизмат қиладиган мусиқа ва санъат мактабларининг замонавий кўриниш касб этаётгани барчани қувонтиради. Иштирокчилар 18-болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолияти мисолида юртимизда сўнгги беш йил ичида мусиқа ва санъат таълими ривожи йўлида амалга оширилган ишлар ва уларнинг самаралари, истиқболдаги режалар билан таништириб ўтилди.

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори мусиқий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил этиш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлашда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Қарор ижроси доирасида асосан аҳоли зич бўлган ҳамда умумтаълим мактаблари яқин бўлган жойларда 136 болалар мусиқа ва санъат мактаби янгидан барпо этилди, 142 таси капитал реконструкция қилинди ва таъмирланди. Уларнинг барчаси замонавий мусиқа чолғулари, овоз кучайтиргич, мебель ва ускуналар билан жиҳозланди. Шунингдек, амалга оширилган ислоҳотлар самараси ўлароқ бугунги кунда болалар мусиқа ва санъат мактабларида 13 та йўналишдаги 53 та ихтисосликлар бўйича ўқувчиларга жаҳон ҳамда миллий мусиқа ва санъат сирлари ўргатилмоқда.

— Мамлакатимизда навқирон авлоднинг бадиий-эстетик таълим-тарбиясини такомиллаштириш, ёшларга ўз иқтидори ва ижодий салоҳиятини ривожлантириши учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги матбуот котиби Баҳриддин Шайвалиев. — Болалар мусиқа ва санъат мактабларида яратилган замонавий шарт-шароитлар натижасида ўқувчилар қамрови 1,5 баробарга ортди. 2008 йилда болалар мусиқа ва санъат мактабларида Республика бўйича жами 38 минг нафар ўқувчи таълим олган бўлса, ушбу кўрсаткич 2015 йилда 59 минг нафарга етди. Уларга 10 минг нафар педагоглар санъат сирларини ўргатиб келмоқда. Мазкур Дастурнинг мантиқий давоми сифатида 2015 йил 20 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури" тўғрисидаги Қарори қабул қилинди. Асосий мақсад болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ва ҳудудий жиҳатдан мақбул жойлаштириш бўйича бошланган ишларни давом эттиришга қаратилган. Шу билан бирга ўсиб келаётган ёш авлоднинг умумий ўрта таълими ва уларни ҳар томонлама маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг бирбирига боғланган яхлит тизимини шакллантириш, болаларнинг ижодий салоҳиятини янада кенг очиб бериш, мусиқа ва санъатнинг бошқа турларини чуқурроқ тушуниши ҳамда уларга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш, мусиқа ва тасвирий санъат соҳаларида жаҳоннинг буюк меросини ўрганиб боришлари учун шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Янги Давлат дастурига мувофиқ 2016-2020 йилларда аҳоли зич яшовчи массивларда жами 14 700 ўринли 98 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари барпо қилиш кўзда тутилган. Шундан 2016 йилда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши белгиланган 18 та болалар мусиқа ва санъат мактабларининг ҳудудлар бўйича манзилли дастури ишлаб чиқилди. Ота-оналарга қулайлик яратиш ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактабларига болалар қамровини ошириш мақсадида тўлов тизими такомиллаштирилди. Республика ва Халқаро танловлар ғолиблари бир йил муддатга тўловдан озод этилиши белгиланди. Бу эса иқтидорли ўқувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганидан дарак беради.

— Жойларда бугунги кун руҳига монанд қад ростлаётган мусиқа ва санъат мактаблари соҳа истиқболига қаратилаётган юксак эътибордан далолатдир, — дейди 18-мусиқа ва санъат мактаби директори Ирина Мороз. — Мактабимиз 2010 йили қайта таъмирланган бўлиб, ҳозир бу ерда 320 дан зиёд ўғилқиз билим ва маҳоратини оширмоқда. Улар малакали ўқитувчи ва мураббийлардан миллий ва жаҳон мусиқа асбобларини чалиш, анъанавий хонандалик, тасвирий ва амалий санъат каби 13 йўналиш бўйича сабоқ олишмоқда. Ўғил-қизларимиз "Ягонасан, муқаддас Ватан!", "Санъат ғунчалари", "Она юрт оҳанглари" танловларида қатнашиб, иқтидорларини намоён этиб, ютуқларни қўлга киритишмоқда.

Зиёда РАСУЛОВА

Спорт янгиликлари

Тошкент Молия институти тасарруфидаги Олий ўқув юртлариаро спорт мажмуасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан турли соҳа ходимлари ўртасида ўтказилаётган "Соғлом оила" шиори остида Республика оилавий спорт мусобақаларининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

ОБОД ЮРТНИНГ СПОРТЧИ ОИЛАЛАРИ

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият юритаётган ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт тадбирлари орқали уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган мусобақада 22 та оилавий жамоа иштирок этди.

Ўтказилган спартакиада мусобақаларининг туманлар босқичи ғолиблари бўлган турли касбда фаолият юритишлари билан бирга спортни севиб, унинг оммавийлашиб боришига хизмат қилаётган иштирокчилар, спорт ихлосмандлари ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Бир ўғил, бир қиздан иборат оилавий жамоалар югуриш, тўпни нишонга отиш, чаққонлик ва мерганлик, моҳир ҳужумчи, тезлик ва эпчиллик, арқон тортиш каби шартлар бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Спорт мусобақаларининг бадиий қисмида эстрадамизнинг ёш ижрочилари ижросида куй-қўшиқлар жаранг сочди.

— Спортга бўлган қизиқишим болалигимдан шаклланган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти катта илмий ходими, биология фанлари номзоди Туробжон Маҳкамов. — Отам спортнинг инсон саломатлигида аҳамияти катталигини доимо уқтириб келган. Ана шу анъанани давом эттириб, фарзандларимиз билан спортга ошно ҳолда ҳаёт кечиришга ҳаракат қиламиз. Ҳар бир ота-она фарзандининг соғлом бўлиб вояга етишини истайди. Шу сабабли фарзандларимизни спорт билан шуғулланишларига алоҳида эътибор қаратганмиз. Ўғлим Толибжон спортнинг бокс, сузиш, таэквондо турларига, Тоҳиржон эса каратэ, футболга қатнашиб, мусобақаларда иштирок этишмоқда. Фарзандларимнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб шунга яна бир бор амин бўлдимки, спорт фақат дўстлик ва яхшиликка етаклайди.

Мусобақада жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш борасида бошқаларга намуна бўлаётган оилалар иштирок этаётганига гувоҳ бўлдик. Асосийси улар соғлом турмуш тарзига қатъий риоя қилишаётгани қувонарли.

— Спорт билан шуғулланишни кундалик турмуш тарзига айлантириш нақадар катта аҳамиятга эгалигини алоҳида таъкидламоқчи эдим, — дейди МК "Ватанпарвар" ташкилоти "Сергели ЎқувСТК" унитар корхонаси жисмоний тарбия йўриқчиси Дилором Эшонова. – Оилавий баскетбол билан мунтазам шуғулланиб келамиз. Фарзандларим гимнастика, каратэ, таэквондо каби спорт тўгаракларига қатнашиб, саломатликларини мустаҳкамлашмоқда.

Беллашувлар қизғин ва таассуротларга бой бўлди.

Мусобақа натижаларига кўра Шайхонтоҳур туманидан Далмурзаевлар оиласи ва Чилонзор туманидан Фозиловлар оиласи биринчи ўринни эгаллаб, мусобақанинг мамлакат босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

Қизиқарли ва шиддатли кечган мусобақада ғолиб ва номинация совриндорларига эсдалик совғалари топширилди.

Зарина РУСТАМОВА

ТАЙЁРГАРЛИК ВАЗИФАСИНИ ЎТАДИ

Футбол мухлисларига маълумки, 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида куз фаслида Ҳиндистонда Осиё чемпионати бўлиб ўтади.

Ушбу нуфузли турнирда муваффақият қозонишни ният қилган Темур Олимхўжаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзолари ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этишди. Куни кеча пойтахтимизда ўсмирлар ўртасида уюштирилган "Эртанги кун спорти" футбол фестивали якунига етди. Ушбу футбол фестивалида Ўзбекистон, Туркманистон, Эрон ва Япония ўсмирлар терма жамоалари ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Дастлабки баҳсда Темур Олимхўжаев шогирдлари туркманистонлик тенгқурларини 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратган бўлсалар, эронлик ўсмирларга қарши иккинчи учрашув ҳам мамлакатимиз вакилларининг 2:1 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди.

Турнир ғолиблиги учун финалда Япония ўсмирлар терма жамоаси билан куч синашган Темур Олимхўжаев шогирдлари рақибларига муносиб қаршилик қилишга интилишди. Бироқ, турнирга пухта тайёргарлик кўрган кунчиқар юрт вакиллари 2:0 ҳисобида зафар қучишди.

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси "Эртанги кун спорти" фестивалида иккинчи ўрин билан кифояланишга мажбур бўлган бўлсада, ушбу мусобақа футболчиларимиз учун ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтайди. Ишонамизки, ўсмирлар терма жамоамиз мураббийлари ва футболчилар йўл қўйилган камчилик ҳамда нуқсонлар устида ишлайдилар. Кузда уюштириладиган Осиё чемпионатида муваффақиятли қатнашиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладилар.

ФИФА томонидан миллий терма жамоаларнинг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

ОСИЁДА ЕТТИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ

Унга кўра Самвел Бабаян бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси 74-ўринга лойиқ кўрилди. Осиёда эса миллий терма жамоамиз 7-ўринни банд этиб турибди. Аммо, миллий терма жамоамиз учун рейтингдаги мавқеини янада яхшилаб олиш учун имконият етарли. Чунки 24, 29 март кунлари Самвел Бабаян шогирдлари 2018 йилда уюштириладиган жаҳон чемпионатига ҳамда 2019 йилда ўтказиладиган Осиё чемпионатига қўшма саралаш босқичи доирасида гуруҳ беллашувларида аввал Филиппин, сўнгра Баҳрайн терма жамоалари билан Тошкентда куч синашадилар. Агар шу ўйинларда ҳамюртларимиз зафар қучишса, саралаш турнирининг ҳал қилувчи босқичига йўлланма олишади ва рейтингдаги мавқелари янада яхшиланади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Диққат! Диққат! Диққат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Respublika mulk markazi" АЖ "Poytaxt filiali" бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат улушлари такроран қўйилади.

1. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Жалолобод кўчаси, 4-уй манзилида жойлашган "Уста Тошпўлат номидаги тарихий ёдгорликларни таъмирлаш" масъулияти чекланган жамиятининг устав фондидаги 25 фоиз давлат улуши.

Бошланғич нархи – 311 263 840 сўм;

Балансда сақловчи: "Уста Тошпўлат номидаги тарихий ёдгорликларни таъмирлаш" МЧЖ.

Фаолияти ихтисоси: ишлаб чиқариш.

2. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бешёғоч кўчаси, Бешёғоч 2-берк кўчаси, 6 Б-уй манзилида жойлашган "BLKTB-Mevasabzavot" масъулияти чекланган жамиятининг устав фондидаги 25,32 фоиз давлат улуши.

Бошланғич нархи – 144 779 928 сўм;

Балансда сақловчи: "BLKTB-Mevasabzavot" МЧЖ.

Фаолияти ихтисоси: хизмат кўрсатиш.

Савдо ташкилотчиси: "Respublika mulk markazi" АЖ "Poytaxt filiali", Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй. Телефон: (0-371) 236-38-28. веб-сайт: www.rmm.uz. электрон почта манзили: user01@inbox.uz. Гувоҳнома: 001580.

Аукцион савдоси 2016 йил 4 апрель куни соат 15:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолар 2016 йил 19 апрель, 4, 20 май, 6, 21 июнь, 6, 21 июль кунлари, соат 15:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси ("Respublika mulk markazi" АЖ "Poytaxt filiali")нинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги х/р: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850. ОКОНХ: 83300.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 236-38-28. Факс: (0-371) 236-38-28.

Электрон почта: user01@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.rmm.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

ДУК "СУВСОЗ"

Электроэнергия ва бошқа ресурсларнинг нархи ошганлиги сабабли, 2016 йил 1 апрелдан Тошкент шаҳар аҳолиси учун ичимлик суви ва оқава сув хизматлари учун тарифларни қайта киритилишини хабар қилади:

Сув таъминоти бўйича — 1м³ учун 170 сўм 00 тийин, ҚҚСсиз.

Оқава суви бўйича — 1м³ учун 110 сўм 00 тийин. ҚҚСсиз.

"RAMONA DREZDEN SERVIS" масъулияти чекланган жамияти (инн 205744157) "RAMONA DREZDEN SERVIS" нодавлат таълим муассасасига айланаётганлиги ҳақида маълум қилади. Тел: +99890 320-45-76

"Ўзагросаноатлойиҳа" МЧЖ жамоаси хўжалик бўлими ходими

Жаҳонгир Джавланович РАСУЛОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***16 март*** *куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлади. Гарбдан секундига 5-10 метр, кучайган ҳолда 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 5-7 даража илиқ, кундузи — 10-12 даража иссиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***16 мартда*** *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9227
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 355
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13376 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 14.40
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ